

# Хабар

17  
(971)-son

29-aprel

www.xabar.uz  
info@xabar.uz  
xabar@uzpak.uz

2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

## Новкентда “Фаргона Телеком” боғлари



Ҳозирда Фаргона вилоятида мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. “Фаргона Телеком” филиали жамоаси ҳам бу қутлуг санини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олишга ҳаракат қилмоқда. Бу эса жамоанинг боғдорчиликни ривожлантириш борасидаги ибратли ишларида ҳам кўринади.

Апрел ойининг ўн тўққизинчи энг нафис, энг ёқимли кунда кенг далалардан ўтиб, янги ниҳоллар яшнаб турган боғларга қадам кўйдик. Бир томонда бодомзор, бир томонда шафтолизору бир томонда ўрикзор. Эндигина барг ёза бошлаган кўчатларга қараб, кўнгиллар осмони ёришиб кетади. Ажриқзор дашту биёбонларни боғ-роғларга бурқаш учун бел боғлаган филиалнинг азамат жамоаси, раҳбарияти шижоатига тасаннолар дейсиз.

Жамоа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2011 йил сабзавот, полиз, картошка, мева, узум маҳсулотларини етиштиришни 30-40 фоизга кўпайтириш, қайта ишлаш, ички истеъмол бозорини тўлдириш, янги боғ-токзорлар ва интенсив боғлар барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан махсус дастур асосида фаолиятни қизгин давом эттирмоқда.

5-бет

### Сўнгги янгилик!



Алоқа оламида:

Verbatim компанияси ихчам ташқи хотира қурилмалари (USB 3.0 External SSD) ишлаб чиқди. Эътиборли томони, уларнинг сизими 32 Гб.дан 128 Гб.гача етади.

Қурилмалар саккиз каналли модул эвазига 190 Мб/сония тезликда маълумот узата олади. Ёзиш тезлиги 175 Мб/сония-гача етади.

Компания жорий йил май ойидан 32 Гб, 64 Гб ва 128 Гб сизимли қурилмаларни халқаро бозорга чиқаришни режалаштирган.

### Ушбу сонда:

■ "Bankexpro-2011" — ютуқлар кўргазмаси	2
■ Ривож учун кафолат	3
■ Образовательные семинары для специалистов в сфере ИКТ	6
■ Сайёҳлар учун бепул Wi-Fi	11
■ Машъала ёнган оқшомда	15

### Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

**Aloqa Print**

• СИФАТЛИ ТЕЎЖОР  
• ПОЛИГРАФИЯ  
ишла инновация ёндашув

Буклетлар, плакатлар, постерлар, визиткалар, бланкалар, отриткалар, блокнотлар, папкалар, хилма-хил календарлар, журналлар ва каталоглар тайёрлаймиз

Махсус: Ашур Ташев, 1/2  
Тел: (+998 71) 236 13 34, 236 39 49  
Факс: (+998 71) 235 85 96  
Хабарлар агентлигининг www.aloqaprint.uz

**Jumadan  
Jumagacha**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда иқтисодий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 22 апрел куни Сурхондарё вилоятида бўлди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.

Жорий йилнинг 22-23 апрел кунлари пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси ҳақидаги маърузасининг асосий қондаларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, эришилаётган муваффақиятлар хусусида маърузалар қилинди, фикр-мулоҳазалар билдирилди, Концепциянинг асосий вазифалари таҳлил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Европа парламенти делегациясининг мамлакатимизга ташрифи доирасида "Ўзбекистон ва Европа Иттифоқида сиёсий ва иқтисодий ривожланиш, икки томонлама шериклик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш" мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида ўтказилган Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг мажлисида мамлакатимиз халқаро шартномаларида кўзда тутилган мажбуриятлар вазирлик ва муассасалар томонидан ижро этилишининг бориши масаласи қўриб чиқилди.

Самарқанд шаҳрида ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтди. Унда вилоятда фаолият юритаётган 140дан зиёд ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий тадбиркорлар, савдо корхоналари 1000дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ҳамда сервис хизматлари билан иштирок этди.

Урганч шаҳридаги Урганч суратлар галереясида хоразмлик ёш rassomlar асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган "Тасвирий санъат ҳафталиги-2011" тадбирлари доирасида ўтказилаётган ушбу кўргазмада ёш ижодкорларнинг юздан зиёд рангтаъсир, графика, ҳайкалтарошлик, гиламдўзлик, бадий кулоллик, дизайн ва амалий санъат асарлари намоён қилинмоқда.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамгармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида Бухоро шаҳрида шу йилнинг 30 апрел - 1 май кунлари "Асрлар саҳоси" анъанавий маданий фестивали бўлиб ўтди.

## "Bankexpo-2011" — ютуқлар кўргазмаси

Шу йилнинг 27-28 апрел кунлари пойтахтимиздаги марказий кўргазмалар залида "BANKEXPO-2011" — банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари анъанавий миллий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси расмий кўмаги остида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ташкил этилган ушбу кўргазмада юртимизнинг етакчи банк, молия ва инвестиция компаниялари иштирок этиб, банк-молия соҳасидаги энг замонавий технологиялар ва хизматларни тақдим этишди.

"BANKEXPO-2011" кўргазмаси бўлимларидан банклар, молия ташкилотлари, сугурта компаниялари, электрон банкинг мобил тизимлари, пул

ўтказмалари тизимлари ҳамда видеокузатув ва хавфсизликни таъминлашга оид ускуна ва хизматлар жой олди.

Шунингдек, кўргазмага ташриф буюрувчилар банк ва молия муассасалари учун ахборот технологиялари, пластик карточкалар дизайни ва уларни ишлаб чиқиш, пластик карточкалар билан ишлаш учун мўлжалланган дастурий-аппаратли воситалар ва бошқалар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Маъжур кўргазма Ўзбекистон банк-молия институтлари, давлат ва тартибга солувчи органлар ҳамда

банк-молия хизматларидан фойдаланувчилар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари раҳбарлари ўртасида мулоқот ўрнатилган яхши имконият яратганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Яна шунинг алоҳида таъкидламоқ лозимки, бу йилги кўргазмада "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури"да кўрсатилган вазифалар ижросига асосий эътибор қаратилди.

"BANKEXPO-2011" кўргазмаси доирасида турли акция ва тадбирлар, жумладан, соҳа мутахассисларини иш билан таъминлаш ва касбга йўналтириш мақсадида вакансиялар ярмаркаси ҳамда бир қатор ўқув семинарлари ҳам ўтказилди.

Муборак МИРКАМОЛОВА

## Изчил фаолиятдан — ижобий натижаларга

Бухоро вилоят "Матбуот таркатувчи" шўъба корхонаси бугунги кунда пешкадам соҳа ташкилотларидан хисобланади. Аҳоли ҳамда корхона, ташкилот ва муассасаларга даврий нашрларни ўз вақтида етказишларини таъминлаш, муомала маданиятини ошириш, пиروвард натижада ишлаб чиқариш режа-топшириқларини ўз муддатида бажариш меҳнат жамоаси барча аъзоларининг биринчи галдаги вазифасига айланган. Шўъба корхона ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи бугунги кунда 273,6 минг сўмни ташкил этиб турибди.

Бу ўпан 2010 йилдагидан бирмунча кўшир. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлили ҳам вақт ўтган сайин ижобий натижаларга эришилаётганидан далолат беради. Жумладан, ўпан йил давомида кирувчи, чиқувчи ва сотилган даврий нашрлар сони бажарилиши йил якуни бўйича 106,8 фоизга ундаланиб, ҳар битта нашр бўйича 4489,5 донани ташкил этди. Шунингдек, товар айланмаси ва ялпи даромаднинг 104,4 фоиздан ундаланганлиги, хусусан, товар айланмаси 2010 йилда 1248,6 миллион сўмни ташкил этгани, ялпи даромад эса 330,2 миллион сўмга етказилганлиги эътиборга сазовор. Даврий нашрлар учун обуна миқдорининг 955,5 миллион сўм ўрнига 1001,1 миллион сўм қилиб бажарилганлигини шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз.

Таъкидлаб ўтилганидек, изчил фаолиятнинг амалга оширилаётганлиги, меҳнат жамоаси аъзоларининг мавжуд куч ва имкониятлардан оқилона ва самарали фойдаланиб, ўз хизмат вазифаларини талаб даражасида бажариб келаётганликлари туфайли жорий йилнинг дастлабки чораги иш натижалари ҳам кўнглидагидек бўлди. Айтиш ўринлики, юқорида тилга олиб ўтилган барча ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича чоракда белгиланган режа-топшириқлар ортиги билан бажарилди. Бу ҳам шўъба корхона меҳнатчиларининг иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланган ҳолда фаолият олиб бораётганликлари натижасидир.

Ҳозирги пайтда вилоят шаҳар ва

қишлоқларида шўъба корхонанинг 89та савдо дўкони иш олиб борапти. Уларнинг 56таси қишлоқ жойларида аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Корхонанинг Пешку ва Ромитан туманларидаги бўлимларида иш юритаётган соҳа ходимларининг қундалик ишла яхши натижаларга эришаётганликлари, қарздорликка йўл қўймаётганликлари эътиборга молик.

Пиравардида шунинг эслатиш жоизки, ҳар йилги даврий нашрларга обуна бўйича тегишли дастур қабул қилинган бўлиб, бу борадаги ишларда ҳам қўшилган натижаларга эришилди.

Вилоятнинг барча корхона ва ташкилотларида бўлганидек, шу кунларда шўъба корхонада ҳам мустақиллигимизнинг 20 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйган "Мустақиллигининг 20 йиллигига 20 тул қўчат — менинг туфам" шиори остида вилоятда олиб борилаётган кенг қўламдаги ишлардан корхона ходимлари ҳам четда қолаётгани йўқ. Атроф-муҳит ободончилиги ва қўламзорлаштиришга муносиб ҳисса қўшиш уларнинг қалб даъватига айланган.

Асқар ИСТАМОВ,  
"Xabar"нинг

Бухоро вилоятидаги мухбири

## Қаршида илмий-амалий семинар

"Ўзи-Қарши" филиалида "Ахборот технологиялари соҳасида фан, таълим ва ишлаб чиқариш узвийлигини таъминлаш: муаммолар, ечимлар, тақлифлар" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали ҳамкорлигида ўтказилган семинарда вилоятда фаолият олиб бораётган алоқа соҳаси корхона ва ташкилотларининг раҳбарлари, етакчи муҳандислари, вилоятдаги ахборот ва компютер технологиялари коллежаларининг раҳбарлари, ўқув ишлари ва амалиёт билан боғлиқ бўлган мутахассислари, талаба-ёшлар иштирок этдилар.

Семинарда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш омиллари, олий таълим муассасаларида касб-хунар коллежалари ўқитувчиларининг ма-

лакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масалалари, вилоятдаги касб-хунар коллежалари ва АКМ ўртасидаги амалий ҳамкорлик, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида мутахассислар тайёрлашда ишлаб чиқариш корхоналарининг ўрни каби мавзуларда Агентлигининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиги Бахтиёр Жабборов, ТАТУ Қарши филиали директори Одилбек Турғунов, вилоят АКМ директори Клара Дусёрова, "Ўзи-Қарши" филиали директори Холмирза Қурбоновлар маъруза қилдилар.

Шу кунинг семинар иштирокчилари "Ўзи-Қарши" филиали, "8-ШМАТБ", Қашқадарё РТУМ ва бошқа корхоналарда ташкил этилган ўқув лабораториялари фаолияти, ишлаб чиқариш жабҳаси билан яқиндан танишдилар.

Афтодил ИСМОИЛОВ,  
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

2011 йил 13 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Қонунини имзолади. Бу қонун узок йиллар давомида тайёрланди. 2011 йил 4 мартда эса Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, 2011 йил 25 мартда Сенат томонидан маъқулланди.

# Ривож учун кафолат

Қонун 7 боб ва 28 моддалан иборат бўлиб, бу кутубхоначилик иши тарихида Ўзбекистонда қабул қилинган биринчи қонуний ҳужжат бўлганлиги туфайли ҳам тарихий, ҳам ижтимоий аҳамиятга эга.

Қонун мамлакатимизда ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Унинг 1-боби умумий қоидалар, қонуннинг мақсади, асосий тушунчалар, ахборот-кутубхона фаоли-

ридан ўзаро фойдаланишни ташкил этишдек масъулиятли вазифалари қонун ҳужжатида мустақамлаб берилди. 2-боб ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги давлат раҳбарлиги масалаларига бағишланган. Бунда давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг ваколатли органлари зиммасида эканлиги кўрсатилган. Уларнинг вазифалари орасида ваколатли органларнинг ахборот-кутубхона фаолияти соҳаси учун зарур кадрларни тайёрлаш, қайта тай-

борот-кутубхона тизими аниқлаб берилган ва тизимни ташкил этувчи муассасаларнинг турлари кўрсатилган. Боб ичидаги бандларда эса ҳар бир турдаги муассасаларнинг вазифалари кўрсатилган. Қонунда ахборот-кутубхона фондини шакллантириш, фондни жамлаш, айирбошлаш, ҳисобга олиш, ишловдан ўтказиш, жойлаштириш, сақлаш ва ундан фойдаланиш масалаларига кенг ўрин ажратилган. Қонуннинг яна бир муҳим томони шундаки, унда фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, мажбуриятлари мустақамлаб берилди. Эндиликда ҳар бир фойдаланувчи ахборот-кутубхона муассасаларидан фойдаланиш жараёнида бурчи,

ҳуқуқи ва мажбурияти доирасида ҳаракат қилиш масъулиятига ва талаб қилиш ҳуқуқига эга. Қонунда соҳани молиялаштириш, халқ-

“ Қонун 7 боб ва 28 моддалан иборат бўлиб, бу кутубхоначилик иши тарихида Ўзбекистонда қабул қилинган биринчи қонуний ҳужжат бўлганлиги туфайли ҳам тарихий, ҳам ижтимоий аҳамиятга эга.

я т и н и н г а с о с и й в а з и ф а л а р и н и б е л г и л а б б е р а д и . А с о с и й т у ш у н ч а л а р о р а с и д а э л е к т р о н к а т а л о г , э л е к т р о н к у т у б х о н а , й и г м а э л е к т р о н к а т а л о г , р е с у р с каби янги замонавий тушунчаларга кенг ўрин берилган. Қонуннинг яна бир муҳим томони ахборот-кутубхона фаолиятининг асосий вазифалари қонулаштирилиб берилди. Барча муассасаларнинг эса фойдаланувчиларнинг барча турдаги ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланишларини таъминлаш, уларнинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, маданий-таълим олиш учун эҳтиёжларини ва қизиқишларини тўла қаноатлантириш, миллий маданиятни тиклаш ва янада ривожлантириб боришга ёрдам бериш, халқимизнинг тарихий, маънавий, маданий меросини авайлаб-асраш, сақлаш ва ахборот-кутубхона ресурслар-

ё р л а ш в а у л а р н и н г м а л а к а с и н и о ш и р и ш и н и т а ш к и л э т и ш м у ҳ и м а ҳ а м и я т г а э г а . Ч у н к и қ о н у н д а б е л г и л а б б е р и л г а н в а з и ф а л а р н и а м а л г а о ш и р и ш д а о л и й м а ъ л у м т л и , м а л а к а л и , с а л о ҳ а т и я к у ч л и , ш у с о ҳ а н и н г р и в o ж и у ч у н ф и д o й и м у т а х а с с и с л а р н и т а й ё р л а ш м а м л а k a т и м и z d a и к к и т а o л и й ў к у в ю р т и — А б д у л л а Қ o д и р и й н o м и d a г и Т o ш к e н т Д а в л а т м a d a н и я т и н с т и т у т и в a Т o ш к e н т а х б o р o т т e х н o л o г и я л а р и у н и v e р с и t e т и з и m m a c i d a . Б у б o р a d a и к k a л a o л и й ў к у в ю р т и ў р т a c i d a к e л г у c и й и л л a р d a a m a л g a o ш i р и л и ш и z a p y p б ў л г а н ч o р a - т a d б и р л a р б e л г и л a б o л и n d i . 3 - б o б d a м a m l a k a т и m i z d a a x -

а р o ҳ а м k o р л и k , н и з o л a р n и ҳ а л э т и ш g a o и d қ o i d a л a р ҳ а м б e р и л g a n . А х б o р o т - к у т у б х o н a ф a o л и я т и ҳ а қ и d a г и б и р и n ч и қ o н у н у н и v e р с и t e т н и н г а х б o р o т л a ш т и р и ш v a к у т у б х o н a ш у н o c л и k йў n a л и ш и т a л a б a л a р и т o м o n i d a n ў р g a n и б ч и қ и л d и , у n и ў r g a n и ш d a v a м a z м у n - м o ҳ и я т и n и т у ш у n и й o л и ш d a Т o ш к e н т Д a в л a т м a d a н и я т и n c т и t у t и d o c e n т и У . Қ a р и m o v т o m o n i d a n ў t k a z и л g a n v и d e o p o л и k л и m a ъ y p z a k a т t a ё r d a m б e р d и . 3 . Б E P Д И E B A , Т A T Y “ А х б o р o т т e х n o л o г и я - л a р и ” к a ф e d p a c и , а х б o р o т л a ш т и р и ш v a к у т у б х o н a ш у н o c л и k йў n a л и ш и k a т t a ў қ и т y в ч и c и

## TADBIRKOR — YURTGA MADADKOR

### ИККИЛАМЧИ ХОМ АШЁДАН ФОЙДАЛАНИБ

Когон шаҳридаги “Грант Инвест-Пласт-Когон” МЧЖда пластик чикитлар ва резина каби иккиламчи хом ашёлар қайта ишланиб, алоқа кабелларини ётқишиш ҳамда оқава сувларни окизишда қўлланиладиган турли катталикдаги қувурлар тайёрланмоқда.

Диққатга сазовор томони шундаки, корхонанинг замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган цехида ишлаб чиқарилаётган пластик маҳсулотлар сифати талаб даражасида бўлиши билан нархи ҳам бирмунча арзон. Бу ерда аҳоли буюртмасига мувофиқ исталган ўлчам ва рангдаги қувурларнинг тайёрланаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Тайёр маҳсулотлар бирма-бир савдо дўконларига чиқариляпти. Тез вақт ичида корхонанинг ўз фирма дўкони ҳам харидорларга сифатли хизмат кўрсата бошлайди.

Мазкур МЧЖда ишлаб чиқарилган лойиҳанинг яна бир афзал томони ҳам бор. Гап шундаки, корхонада иккиламчи хом ашёнинг қайта ишланиши полимер ва резина чиқиндилар исроф бўлишининг олдини оляпти. Бундай чиқиндиларни қабул қилиш пунктида шу кунларда иш қизгин. Корхона тўла қувват билан фаолият кўрсата бошлагач, бу ердаги иш ўринлари сонини 15тага етказиш режалаштирилган.

И.АСҚАРОВ

### ТАДБИРКОР БЎЛАЙ ДЕСАНГ

Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Андижон вилояти худудий бошқармаси ҳамда вилоят Халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги Кичик ва ўрта бизнес касб-хунар коллежи билан ҳамкорликда “Тадбиркор бўлай десанг” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатида Савдо-саноат палатасидан ташриф буюрган Экспортга кўмаклашиш, кўргазмалар ўтказиш, чет эл мини-технологияларини жалб қилиш бўлими бош мутахассиси Нодира Абдулхамидова хусусий тадбиркорларга кўрсатилаётган ёрдам, тадбиркорлик билан шугулланувчи шахсларнинг иш фаолияти бўйича керакли ахборотларни берди. Тадбирда қатнашган ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мутахассисларга мурожаат қилиб, керакли жавобларни олдилар.

Тадбир сўнгидея АКМ директори Г.Исмоилова сўзга чиқиб, ўтказилган тадбир бутунги куннинг долзарб мавзусида бўлганлиги, мутахассиснинг қimmatли маслаҳатлари келажакда тадбиркорлик билан шугулланишни олдига мақсад қилиб юрган ёшларимизга катта ёрдам ва куч бўлишини таъкидлади.

Д.КАРИМОВА, АКМ 1-тошфали кутубхоначиси

Фузор ахборот технологиялари касб-хунар коллежида Қашқадарь вилоят “Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонаси ҳамда вилоят ахборот-кутубхона маркази раҳбар ходимлари, малакали мутахассислари иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Қашқадарь вилоят худудий бошқармаси етакчи мутахассиси Илҳом Воҳидов, “Матбуот тарқатувчи” ШК директори Тиркаш Очиллов, вилоят ахборот-кутубхона маркази директори Клара Дўсёрова, Фузор ахборот технологиялари коллежи ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Бахтиёр Бегалиевлар сўзга чиқиб, Агентлик тизимидаги вилоятдаги корхона ва ташкилотларнинг фаолияти, уларнинг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида амалга ошираётган ишлари ҳамда “Республикада фаолият кўрсатаётган касб-хунар коллежлари ва унинг мос йўналишлари улар би-

## Учрашув

лар ҳамкорлик асосида ўқув режаларини тақомиллаштириш, соҳанинг малакали мутахассисларини жалб қилган ҳолда ўқувчи-ёшларнинг ўқув амалиётини мазмунли ўтказиш ҳамда ёшларнинг касб маҳоратини ошириб боришни ташкил қилиш масалалари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 январдаги йиғилиш баёни моҳияти, ундан кўзланган мақсад ва вазифалар, бу борада вилоятда олиб борилаётган ишлар тўғрисида агрофлича тўхталдилар ва коллеж ўқувчилари саволларига жавоб бердилар.

Ўз навбатида, корхона ва ташкилот ходимлари ўқувчиларга яратилган шароитлар, ўқув лабораториялари, кафедралар фаолияти, ахборот-ресурс

маркази, спорт ва машғулот хоналари, мутахассислик фанларининг ўқитилиши, амалиётлар, устоз ва шогирд анъаналарининг олиб борилиши, бўш вақтларининг мазмунли ўтиши учун маънавий тадбирлар, коллежнинг ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланганлиги билан яқиндан танишдилар.

Маълумот ўрнида шунга айтиш мумкинки, коллежда саккизта йўналиш бўйича машғулотлар олиб борилади. 2011 йилда жами 204 нафар ўқувчи биттирувчи саналиб, шундан 115 нафари ахборот технологиялари йўналиши бўйича таҳсил олмоқда. Ҳозирда коллежнинг бир гуруҳ ёшлари “Ўзи-Қарши”, ТАТУ Қарши филиалларида, вилоят “Матбуот тарқатувчи” ШКда, 8-ШМАТБда, вилоят АКМда ишлаб чиқариш амалиётларини олиб бормоқдалар.

И.АФОНДИЛОВ

## ➤ ISTIQLOL TENGDOSHLARI

# Бахтим шуки, хур Ватанда туғилдим



Ёшим йигирмада. Истиқлол билан тенгдош юзлаб бахтиёр ёшларнинг бириман. Бахтим шуки, боғ-роғларга бурканган, икки қадимий дарёси зилол сувга тўлик, тупроғи олтин, одамлари олтиндан-да қиммат хур Ватан — Ўзбекистонда туғилдим. Мирзо Улугбек туманидаги 256-мактабни аъло баҳоларга тамолаб, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритувчи Роза опамнинг тавсиялари билан пойтахтимиздаги нуфузли билим даргоҳларидан бири — Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежига ўқишга кирдим.

Коллежнинг иккинчи босқичида ўқитган пайтимизда бизни “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиалига амалиёт ўташ учун юборишди. У ерда ходимлар бўлими бошлиғи Матлуба опа Насриддинова бизни самимий кутиб олиб, амалиёт давомида нималарга эътибор беришимиз лозимлигини обдон тушунтирди.

Ва агар биз амалиёт даврида ўзимизнинг нималарга қодир эканлигимизни кўрсата оلسак, филиалда ишлаб қолишимиз мумкинлигини айтди.

Амалиёт даврида ҳам, ўқишим давомида ҳам Матлуба опанинг сўзлари бир зум эсимдан чиқмади. Ҳар бир ишни пишиқ-пухта бажаришга ҳаракат қилдим. Натижа эса кўнгилдагидек бўлди. Ўқишимни битириб, филиалга ишга жойлашдим.

Филиалда раҳбарларимизнинг катта эътибори сабаб унумли меҳнат қилишимиз, ўз устимизда ишлашимиз учун барча шароитлар яратилган. Айна пайтда Тошкент ахборот технологиялари университетида ўқишга кириш учун тайёрланяман.

Ота-онам, буви ва боболаримнинг айтишларига қараганда, бу имкониятларнинг ҳаммаси истиқлол туфайли экан. Улар яна айтишдики, ўзбекистонликлар жуда оғир кунларни бошидан кечир-

шибди. Кулоқлаштириш, Иккинчи жаҳон уруши, пахта иши каби машғум воқеалар сабаб кўплаб юртдошларимиз ҳозирги фаровон кунларни орзу қилишганича оламдан ўтишган. Демак, бутунги кунга осонлик билан эришилмаган ва Ватанни асрамоқ, ривожига ҳисса қўшмоқ лозим.

Юртбошимиз биз, ёшларни юрт эгалари деб-айтганида, бир ғайратимга ўн ғайрат қўшилади. Янада кўпроқ ишлагим, янада юксакроқ чўққиларни эгаллагим келади. Бунинг учун юртимизда ҳамма имкониятлар бор. Шундай экан, жаннатмонанд юртимнинг янада фаровонлашиши, гўзаллашиши учун ҳисса қўшмоқ, юртимиз мустақиллигининг 20 йиллигига муносиб совга тайёрламоқ биз, ёшларнинг бурчимиз ва вазифамиздир.

*Диляфрўз ПИРЖОНОВА,  
Мирзо Улугбек тумани  
телефон боғламаси оператори*

## ➤ DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

Бугунги кунда республикамызда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида турли хизматларни кўрсатишлари учун хўжалик юритувчи субъектларга кенг шарт-шароитлар яратиб берилган. Мазкур соҳада фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳақ-хуқуқлари қонуний жиҳатдан ҳар томонлама кафолатланган бўлиб, улардан фақат қонун ва тартиб-қондаларга амал қилган ҳолда иш олиб бориш талаб этилади, холос.

## Белгиланган меъёрларга мувофиқ ишлайлик

Аммо, барча имкониятлар яратиб берилганига қарамадан, айрим хусусий корхоналар томонидан солиқ ва турли хил мажбурий тўловларни четлаш, ноқонуний даромадлар олиш мақсадида қонун талабларига риоя қилмаслик ҳолатлари кузатишмоқда. Масалан, бундай ҳолатларни “Тоштелекабул” ва “STAR SATILLITE” хусусий корхоналари мисолида кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрдаги “Радиочастота спектри тўғрисида” ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 июлдаги “Частота спектридан фойдаланиш, телерадиодастурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самардорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 293-қарори ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2005 йил 7 декабрда 1531-рақам билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси ҳудудда радиоэлектрон воситаларни ва радиочастоталар спектрини ишлатишни бошқариш тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги низом ижросини таъминлаш мақсадида “Электромагнит мослашув маркази” давлат унитар корхонаси, тегишли органлар билан ҳамкорликда ишлаш чора-тадбирлар режасига мувофиқ Тошкент вилояти ҳудудида кабел телевидениеси билан шугулланувчи хўжалик субъектларнинг фаолиятлари ўрганиш бўйича 2011 йилнинг 1-чорагида тадбирлар ўтказилди. Натижада “Тоштелекабул” ва “STAR SATILLITE” хусусий корхоналари объектларни лойиҳалаш, қуриш, шунингдек, радиоэлектрон воситалардан фойдаланиш учун Электромагнит мослашув марказидан тегишли рухсатномалар олмастан кабел телевидение студияларини қуриб, истеъмолчиларга хизматлар кўрсатиб келаётганлиги аниқланган.

Хусусий корхоналар кабел телевидениеси объектларни доимий фойдаланишга топширмастан Ўзбекистон Республикасида радиоэлектрон воситалардан ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш тартибини бузган ҳолда истеъмолчиларга хизмат кўрсатиб келганлар. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини кўп қилиб равишда бузган ҳолда ноқонуний фаолият кўрсатиб келаётганликлари учун хусусий корхоналар раҳбарларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 152-модда, 1-қисмига асосан маъмурий жазо чоралари қўлланди. Шунингдек, уларга содир этган қонунбузарларининг моддий ва маънавий оқибатлари, уларнинг олдини олиш ҳамда Электромагнит мослашув марказининг радиоэлектрон воситаларидан фойдаланиш, қуриш, лойиҳалаш, четдан олиб келиш, сотиб олиш ва ўрнатиш ҳуқуқини берувчи тегишли рухсатномаларини расмийлаштириш зарурлиги юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Тошкент вилоятида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида тегишли фаолият турлари ҳамда хизматлар кўрсатиш бўйича хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалдаги қонун ҳамда норматив ҳужжатлар талаб ва шартларининг бажарилишини таъминлаш ва мазкур фаолият турларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш Тошкент вилояти Давлат алоқа инспекциясининг доимий назоратига олинган.

Жамиятда қонун устуворлигининг мавжудлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ишлаш фуқароларнинг истеъмолчи сифатида хизматлардан қониқшишга, соҳада хизмат қилаётганларнинг эса ўз вазифаларини қонун ва қонунийлик доирасида адо этишларига хизмат қилади.

*Р. ТУХТАНАЗАРОВА,  
Тошкент вилояти ДАИ катта инспектори*

EMMM

Elektromagnit Moslashuv Markazi

## Халқ хизматига камарбастамиз!

Наманган вилояти Электромагнит мослашув хизматининг асосий вазифаларидан бири вилоят ҳудудидаги барча узатувчи қурилмаларнинг электрмагнит мослашувлигини экспертиза қилиш, уларни лойиҳалаштириш ва қуриш, фойдаланиш ҳуқуқларини берувчи тегишли рухсатномаларни расмийлаштириб беришдан иборатдир.

Ҳозирда вилоятимиз ҳудудида бир қатор телерадиокомпаниялар, уяли алоқа компаниялари, радиоҳаваскорлар, корхона ва ташкилотлар ҳар хил радиоэлектрон воситалардан фойдаланиб келмоқдалар. Улар фойдаланаётган радиоэлектрон воситаларнинг электрмагнит мослашувчанлиги юзасидан хориждан келтирилган замонавий қурилмалар ёрдамида радиомониторинг ишлари олиб борилмоқда.

Радиомониторинг ишлари давомида вилоят ҳуқуқ-тартибот органлари билан мунтазам ташкил этиб бориладиган ҳамкорликдаги тадбирлар ёрдамида қондабузарликлар аниқланиб, уларга нисбатан ўрнатилган тартибда чоралар кўриб борилмоқда. Масалан, жорий йилнинг биринчи чораги давомида 17та ҳамкорликдаги тадбирлар ташкил этилди ва 127та ноқонуний радиоузаткичлар аниқланди. Барча қондабузарликлар белгиланган муддатларда чора кўриш учун Наманган вилояти Давлат алоқа инспекциясига топширилди.

Шунингдек, Наманган вилояти телерадиокомпанияси ҳамда “Олтин-замин” радиостанцияси ёрдамида соҳамизга оид тартибот ишларини мунтазам олиб бораёмиз. Бундан ташқар-

ри, вилоятимизда фаолият кўрсатаётган уяли алоқа компанияларининг 74та таянч база станцияси ҳамда 79та радиореле қурилмалари Давлат қабул комиссиясидан ўтказилди. Бу, ўз навбатида, вилоятимизнинг чекка-чекка ҳудудларида ҳам уяли алоқа компаниялари сигналлари қамровининг яқшилланишига олиб келмоқда.

Жорий йилда хизматимиз томонидан “Наманган Телеком” филиали билан ҳамкорликда “Наманган Телеком Наслчилар” МЧЖ ташкил этилди.

Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг барча туман, маҳалла, хонадонларда “Ўзбекистон Республикасининг 20 йиллигига — 20 туп дарахт меннинг туҳфам” шиори остида мевали, манзарали дарахт кўчати экиш ташаббусига ҳамда “ЭМММ” ДУКнинг 2011 йил 15 февралдаги 15-Ф-фармойишига асосан Наманган вилояти ЭММХ ходимлари томонидан Учқўрғон ахборот технологиялари ва сервис коллежи ҳудудига экиш учун 180 туп мевали ва манзарали дарахтлар етказиб берилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимида қирувчи акциядорлик компаниялар, корхоналар, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари ва катта ёшдаги ходимларидан тузилган терма жамоалар ўртасида мини-футбол бўйича 2011 йил 10-13 феврал кунлари ўтказилган республика мусобақаларида Наманган вилояти терма жамоаси сафида шарафли 3-ўринни кўлга киритдик.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимизни яқинлашиб келаётган касб байрами билан самимий қутлаймиз.

*Дилмурод ТОШПҮЛАТОВ,  
Наманган вилояти ЭММХ бошлиғи в.в.б*

# Новкентда “Фарғона Телеком” боғлари

(Давоми. Бошланishi 1-бетда.)

Кўкларда Фарғона тумани ҳокими қарори билан ажратилган бу ернинг 46 гектарига бодом, 24 гектарига ўрик, 13 гектарига гилос, 6 гектарига шафтоли — жами 26400 туп кўчат ўтқазилибди. Бундан ташқари, икки гектар ердаги буёдой ва бир гектар ердаги сабзи майсалари кўкариб турибди. Бир гектар ердаги картошка эса ҳадемай гуллайдди. 1500 туп наъматак кўчатлари ҳам бир текис япроқ ёзибди.

Шуниси қувончлики, Новкент қишлоғи ҳудудидаги бу боғни барпо этишга ҳудудий бошқарма, алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитасидан тортиб кўплаб алоқа корхоналари, жумладан, Шаҳарлараро алоқа корхонаси, Давлат алоқа инспекцияси, Электромангнит мослашув маркази ва “ЎЗНЕТ” корхоналарининг вилоят бўлимлари жамоалари ҳам кўчатлар экиб, ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Биз боғлар бағрида кўчатларни сугориш билан банд бўлган филиал ишчи-ҳодимлари Аҳлидин Раҳмонов, Мухбиржон ва Муқаддамжон Тўйчиевлар ҳамда Лутфилло Тешабоев билан мириқиб мулоқот қилдик. Алоқачи-боғбонларнинг ҳар бири бир олам. Боғларни гулла-



тиб-яшнатиш бўйича таклиф-мулоҳазалари талайгина.

Шу куни биз Фарғона шаҳар чеккасида жойлашган Телемарказ ҳовлиси ҳудудидаги 2,8 сотихдан иборат иккита иссиқхонанинг бирида помидор, бирида бодринг экинлари ҳосилга кириб қолганининг гувоҳи бўлдик. Ҳовлида 100 тупдан ортиқ шафтоли, гилос, олхўри кўчатлари, 60 туп анор ҳамда полиз экинлари ҳам парваришланмоқда.

Бу ерда боғдорчилик ва деҳқончилик ишларига масъул Муҳаммаджон Аҳмадалиев бошчилигида Шавкатжон Тургунов, Улуғбек Исоқов, Одилжон Абдужалилов, Иқболжон Ҳасанов ҳамда Фанишер Аҳмадалиевлар ишни мириш-

корлик билан ташкил этмоқдалар.

Биз вилоятнинг хуш ҳавоси танга даво туманидан умидбахш орзулар билан қайтиб, филиал раҳбари Нўъмонжон Акбаров билан суҳбатда бўлдик.

— Бундан ташқари, Фарғона тумани Чекшўра МФЙ ҳудудидаги беш гектар майдонга узум экдик, — деди филиал директори. — Яна 25 гектар ерга май оғи охирида 14000 туп ток қаламчалари эймоқчимиз. Кўштепа телекоммуникациялар боғламаси ҳам яхши ташаббус билан чиқди. Улар боғлама ҳовлиси-га 200 туп анор, 130 тупдан зиёд анжир, гилос, олма кўчатлари экдилар. Шунингдек, улар сабзавот, полиз экинлари етиштиришда ҳам барчага ибрат кўрсатишмоқда.

Қисқаси, олий мақсадлар манзилига етиш учун ҳали кўп тер тўкишимиз, аввало, Новкентдаги боғларда иккита қудуқ қазиб сув чиқариш каби қатор долзарб ишларни бажаришимиз керак.

Шижоат ва матонат билан боғлар бунёд этиб, эл дастурхонини ноз-неъматларга тўлдиришга чоғланган жамоа кам бўлмасин. Шижоат ва матонат эса кишига ҳар ишда муваффақият бахш этиб саодатга элтади.

Ватан равнақи, тараққиёти йўлида меҳнат қилиб асло толманг, азиз алоқачилар!

Ҳафиза САЛЯҲОВА,  
“Хабар”нинг

Фарғона вилоятидаги мухбири

## “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ НАМАНҒАН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Республикамиз алоқачиларини  
яқинлашаётган  
байрамлари билан қутлайди.

Сизларга оилавий  
тотувлик, бахт-саодат,  
хонадонингизга  
тинчлик-хотиржамлик  
тилаймиз.

Ўтаётган ҳар бир лаҳза  
ҳаётингизга мазмун бахш этсин!

## “TELMAX ELEKTRONIKS” МЧЖ ЖАМОАСИ

Республикамизнинг барча  
алоқачиларини  
КАСБ БАЙРАМЛАРИ  
билан қизгин қутлайди.

Соҳа ривожини йўлидаги ишларингизда  
муваффақиятлар тилаймиз.  
Доймо соғ-омон, бахтли бўлинг!

ВАТАНИМИЗ ТИНЧ,  
ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!



## Заседание комиссий РСС

по вопросам использования радиочастотного спектра

26 апреля 2011 года начало свою работу очередное 30/36 совместное заседание Комиссии по регулированию использования радиочастотного спектра и электромагнитной совместимости радиоэлектронных средств (ЭМС РЭС) и Комиссии по спутниковой связи, телевизионному и звуковому радиовещанию Регионального содружества в области связи (РСС) в г. Астана, Республика Казахстан.

На заседании участвовали представители от 9 администраций связи содружества, Исполкома РСС и Международного союза электросвязи (МСЭ).

В ходе заседания основное внимание участников было отведено рассмотрению вопросов подготовки к Ассамблее радио-

связи и Всемирной конференции радиосвязи 2012 года, включая обсуждение вкладов, проектов Общих предложений РСС по работе конференции, выдвижения кандидатур на руководящие посты AP-12/ВКР-12, исследовательских комиссий и комитетов, действующих в рамках сек-

тора радиосвязи МСЭ.

Также были рассмотрены вопросы о расчетных программах для «Рекомендации по координации частотных присвоений станциям наземной подвижной службы и фиксированной службы в полосах радиочастот выше 29,7 МГц», о ходе работ группы технических экспертов по изучению использования радиочастотного ресурса сетей синхронного звукового вещания стран членом РСС в диапазоне СВ/ДВ, о взаимодействии АС РСС по вопросам развития спутниковой связи и другие вопросы с повесткой дня заседаний комиссий РСС.

aci.uz

## Образовательные семинары

для специалистов в сфере ИКТ

В период с 11 по 15 апреля 2011 года в рамках программы, утвержденной Узбекским агентством связи и информатизации (УзАСИ) и руководством компании Nokia Siemens Networks, компания Nokia Siemens Networks провела серию семинаров для специалистов Узбекистана в области ИКТ и студентов Ташкентского университета информационных технологий (ТУИТ).

На семинарах приняли участие специалисты УзАСИ, АК «Узбектелеком», филиалов АК «Узбектелеком» («UZNET», «UzMobile», «TSHTT», «TTTS», Центра развития бизнеса и персонала), Государственной Инспекции связи, Центра электромагнитной совместимости, ЦНТМИ «Unicon.uz», Центра радиосвязи, радиовещания и телевидения, Республиканского центра управления сетями телекоммуникаций Узбекистана.

Для магистрантов и аспирантов ТУИТ были проведены специализированные презентации с подключением филиалов ТУИТ в городах Самарканд, Фергана и Карши посредством видео-конференции.

Презентации и семинары были проведены ведущими специалистами и экспертами компании из

Германии, Италии, России, Великобритании и др.

Специалистами компании Nokia Siemens Networks были проведены семинары на такие темы, как: маркетинговые исследования влияния ИКТ на рост ВВП в 50 странах мира; история развития технологий сотовой связи, возможностях и различиях сетей 3G GSM и LTE — эволюция развития и основные тенденции; обзор различных вариантов транспортных сетей DWDM; введение в IP Multimedia Services (IMS); тенденции развития сетей телекоммуникаций на основе технологий широкополосного доступа NGN, FTTH — сервисы и технологии доступа xDSL, а также подробный обзор платформы Multi-Service Access Node и оборудования IP-DSLAM; новые решения Nokia Siemens Networks, представленных в феврале 2011 года на Всемирном Мобильном Конгрессе MWC-2011 в Барселоне; решения по поддержке и оптимизации качества предоставления услуг в сетях передачи данных (Resilient IP); решения по обеспечению безопасности и повышению доходности в сетях передачи данных и другим актуальным темам.

aci.uz

## LG будет выпускать мобильные процессоры

Компания LG Electronics будет выпускать мобильные процессоры, созданные на архитектуре ARM. LG получила лицензии на выпуск процессоров на базе ядер Cortex A9, а также Cortex A15.

Чипы на базе ядер ARM выпускаются многими производителями, в том числе Texas Instruments, Marvell, а также основным конкурентом LG — компанией Samsung. В частности, Samsung поставляет ARM-процессоры для смартфонов и планшетов Apple.

## APPLE договорилась с SHARP

о производстве экранов для смартфонов

Apple заключила договор с компанией Sharp о производстве экранов для следующих поколений смартфонов iPhone.

Выпуск экранов для Apple будет налажен весной 2012 года на заводе Sharp в городе Камяма, который сейчас производит ЖК-телевизоры.

Низкотемпературные поликремниевые ЖК-экраны Sharp будут менее энергоемки, чем экраны в современных моделях iPhone. Технология их производства позволит монтировать светочувствительные датчики и другие электронные компоненты непосредственно на стеклянную подложку экрана, тем самым уменьшив толщину корпуса аппарата.

## Китайский Forbes назвал самым богатым человеком в КНР гендиректора BAIDU

Глава китайской интернет-компании Baidu, владеющей одноименным поисковиком, Робин Ли признан самым богатым человеком КНР. Китайская версия журнала Forbes оценила состояние Ли в 9,4 млрд долларов.

Робин Ли основал Baidu в 2000 году, применив собственные технологии создания поисковых алгоритмов и составления рейтингов полученных результатов для китайского языка.

Сегодня Baidu уверенно занимает лидирующие позиции на рынке поисковых систем в Китае, ей принадлежит около 70% рынка.

В мировом рейтинге Forbes глава Baidu занимает 95-е место.

BestSoft  
UZBEKISTAN  
10-12 мая 2011 год

ЕЖЕГОДНАЯ НАЦИОНАЛЬНАЯ ВЫСТАВКА  
ПРОГРАММНЫХ ПРОДУКТОВ

НАЦИОНАЛЬНЫЙ ФОРУМ  
ПРОГРАММИСТОВ УЗБЕКИСТАНА

## НАЦИОНАЛЬНЫЙ ФОРУМ

ПРОГРАММИСТОВ УЗБЕКИСТАНА И  
ЕЖЕГОДНАЯ НАЦИОНАЛЬНАЯ ВЫСТАВКА  
ПРОГРАММНЫХ ПРОДУКТОВ  
«BEST SOFT UZBEKISTAN 2011»

10 мая 2011 года, в Ташкенте, Музее истории связи пройдет Национальный форум программистов Узбекистана. Мероприятия являются крупнейшим республиканским событием выставочно-форумной жизни в софтверной отрасли.

11-12 мая 2011 года пройдет Ежегодная национальная выставка программных продуктов «BEST SOFT UZBEKISTAN 2011» в Ташкенте, спорт комплекс Ташкентского университета информационных технологий, мероприятие имеет поддержку Правительства Узбекистана и включено Кабинетом Министров Республики Узбекистан в список приоритетных мероприятий в сфере информатизации в 2011г.

Главными целями проведения Национального форума программистов и Национальной выставки программных продуктов «BEST SOFT UZBEKISTAN» являются:

- организация обсуждения актуальных задач по повышению эффективности софтверной индустрии Узбекистана;

- обсуждение и выработка предложений по институциональной поддержке отрасли программного обеспечения в стране, нормативно-правового обеспечения процессов ее развития;

- презентация наиболее успешных проектов и продуктов в сфере программного обеспечения;

- активизация образовательных процессов в сфере подготовки специалистов для софтверной индустрии и др.

Параллельно с Форумом будет организована работа выставки «BEST SOFT UZBEKISTAN». Главными составляющими сектора выставки станут стенды по следующим направлениям:

- Средства разработки;
- Реализация проектов;
- Образование;
- Информационная безопасность;
- Мультимедиа и дизайн и др.

Организационный комитет Ежегодной национальной выставки программных продуктов «BEST SOFT UZBEKISTAN 2011» объявляет также о проведении Конкурса программных продуктов, представляемых на выставке. Награждение победителей Республиканского конкурса Форума-выставки «BEST SOFT UZBEKISTAN 2011» осуществляется в трех номинациях: — Программный продукт — марка года; — Лучший проект внедрения 2010 года; — Лучшая компания в сфере ИТ-образования.

На выставке будут представлены наиболее актуальные и успешные проекты софтверной индустрии республики. Национальный Форум программистов соберёт ведущих специалистов в сфере разработки и внедрения программных продуктов, которые расскажут о последних достижениях в данной сфере, поделятся опытом, проведут мастер-классы, презентации и образовательные семинары.

UZTELECOM (торговая марка АК «Узбектелеком») является инновационным партнером «BEST SOFT UZBEKISTAN 2011», и проведет в рамках выставки акции и викторины направленные на развитие софтверной индустрии Узбекистана.

# Хабарлар +tv



## ДУШАНБА — 2 МАЙ

### УЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатқувлар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
7.00 "Ишқ эртани" Т/с.  
8.00 Таҳдиднома.  
8.45- 9.45 "Миллатлар" дастури.  
"Бозилар сайераси".  
9.45 Мультипликация.  
10.35 "Ихтило".  
10.40 "Саломатлик сирлари".  
11.00 "Ахборот".  
11.15 "Комюсар Ресе" Т/с.  
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
12.50 "Кўнгли қўнғиқ истайди".  
13.00 "Ватинларвар".  
13.40 "Истиқлол фарзандлари".  
14.00 "Ахборот".  
14.20 Миллий кино: "Қайтасан, Овмоно".  
15.40 "Жаҳон мусиқаси хазинаси".  
Ж. Верди: "Симон Боканетта" 1-қисм.

16.40 "Икки даре оралиғида".  
17.00 "Ахборот".  
17.15 "Овлет суд".  
17.55 "Ихтило".  
18.00 "Кўнгли қўнғиқ истайди".  
"Бозилар сайераси".  
18.05 "Эртаклар - ахшишиса етказар".  
18.25 "Сунити қиролчи" Т/с.  
19.00 "Сайёҳат мархаб" Т/с.  
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.  
19.30 "Ахборот" рус.  
20.10 Миллий сериал: "Умр манбаралари".  
20.45 "Оттин мерос".  
21.00 "Ахборот".  
21.40 "Мен ешланим".  
21.55 "Меҳрибон фаритлағ" Т/с.  
22.35 "Ихтило".  
22.40 "Салобий изкувр" Т/с.  
22.20 - 23.30 "Оғуш".  
23.30 Кўрсатқувлар дастури.  
23.35 "Истиқлол фарзандлари".  
23.55 "Куларларин бирда".  
00.10 "Овлет суд".  
00.50 "Ихтило".  
00.55 "Кўнгли қўнғиқ истайди".  
1.00 "Ахборот" рус.  
1.35 - 2.35 "Миллатлар" дастури.  
2.35 "Сайёҳат мархаб".  
2.55 "Оттин мерос".  
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
4.00 "Ахборот".  
4.35 Миллий сериал: "Умр манбаралари".  
5.10 "Ихтило".  
5.15 "Мен ешланим".  
5.30 "Икки даре оралиғида".  
5.50 - 5.55 "Оғуш".



5.55 "Дастуринг оёниши".  
6.00 "Таринор".  
6.50 "Мультипликация".  
7.40 "Ештик наволари".  
8.00 "Окис" Т/с.  
8.50 "Хотира ва қадр".  
9.00 "Муҳажжирин дунё".  
9.50 "UzEX".  
10.00 "Дар фидта иғида".  
10.20 Миллий сериал: "Чархалак".  
10.30 "Даринин боласи".  
11.40 "Мультипликация".  
12.10 "Хай-мамаг" Т/с.  
13.00 "Дар".  
13.10 "Ештик наволари".  
13.30 "Кўра". Б/ф.  
14.00 "Шарк гавҳари".  
14.50 "Хотира ва қадр".  
15.00 "Пувро" Т/с.  
15.50 "UzEX".

16.00 "Дар".  
16.10 "Сууран" Т/с.  
16.40 "Қишлоқ паракенети".  
17.00 "Буюк сулола". Б/ф. 1-қисм.  
18.30 "Дар милуси".  
18.50 "UzEX".  
19.00 "Дар".  
19.30 "Окис" Т/с.  
20.20 "Ештик наволари".  
20.40 "Нундан назар".  
21.10 "Қиролчи" Т/с. Премьера.  
22.00 "Дар".  
22.30 "Сууран" Т/с.  
23.10 "Ештик наволари".  
23.30 "Хай-мамаг" Т/с.  
00.20 "Муҳажжирин дунё".  
1.10 Миллий сериал: "Чархалак".  
2.00 "Дар".  
2.30 "Кучи жамоа" Б/ф.  
4.20 "Арисона ва ҳиқдат".  
5.50-5.55 "Юрт тигилиғи".

### ТОШКЕНТ

7.25 Кўрсатқувлар тартиби.  
7.30 "Салом, Тошкент".  
8.25 Тошкент тароналари.  
8.45 "Музик довоғи". Т/с. 4-қисм.  
9.10 "Ингерва".  
9.20 "Интеллектуал аукцион".  
9.30 "Ариша".  
9.45: Пан Кавксиянинг гаройиб сайёғи. Б/ф. 1-қисм.  
11.05 "Тендлашар".  
11.20 "Калон доғираси".  
11.35 "Ажойиб кун" Б/ф.  
13.00 "Салом, Тошкент".  
13.55 "Уйларим".  
14.00 "Дунё" теледустури.  
15.00 "Пойтағ".  
15.15 "Музик довоғи". Т/с. 5-қисм.  
15.40 "Леопольдинин саргузаштлари".  
М/ф. 1-қисм.  
16.20 "Илрок".  
16.30 Тошкент тароналари.  
16.50 "Саргузаштлар оғуши".  
17.15 "Хайт фалсафаси".  
17.30 Миллий сериал: "Умр ермоқтариси".  
18.00 "Пойтағ".  
18.30 "Эртани эгалари".  
18.45 "Илрок".  
19.00 "Интеллектуал аукцион".  
19.10 "Саломат бўлиш".  
19.25 Тошкент тароналари.  
19.45 "Телекурер-маркет".  
19.55 "Бизнес-пойтағ".  
20.00 "Пойтағ".  
20.25 "Пасхалининг қўнғиқ". Т/с.  
20.55 "Меннинг тақдир".  
21.15 Тошкент тароналари.  
21.35 "Телекурер-маркет".  
21.45 "Ингерва".  
21.55 "Уйларим".  
22.00 "Манирағит фидоилари".  
22.20 "Эко-пойтағ" рус.  
22.30 "Пойтағ".  
22.55 "Кино SMS со шайдағи".  
23.00 "Тарғитчи" Х/ф.  
00.15 Кўрсатқувлар тартиби.  
00.20 "Эко-пойтағ" рус.  
00.30 "Малъаца на миллион" Х/ф.  
2.40 "Уйларим".  
2.45 "Колун доғираси".  
3.00 "Саломат бўлиш".  
3.15 "Кучто коммуниславинин суи оғсти саргузаштлари". Х/ф. 140-қисм.  
3.40: Пан Кавксиянинг гаройиб сайёғи. Б/ф. 1-қисм.

### SPORT

6.00 "Хайри тонг".  
6.10 "Саломат бўлиш".  
6.50 "Жасур болалар".  
7.25 Болалар мийдончаси.  
Тонгги гимнастика.  
"Спортландия", Мулфитрим.  
8.00 ХАБАРИЛАР.  
8.30 "Саломат бўлиш".  
8.50 Футбол. Англия чемпионати.  
"Арсенал" -- "Манчестер Юнайтед".  
10.35 "Спорт - мезгон жасом".  
11.00 "Баркамол аялол - 2011" спорт уйинлари.  
13.00 Рақамтар, натижакар.  
рейтинлар.  
13.05 Болалар мийдончаси:  
"Спортландия", Мулфитрим.  
13.35 "Баркамол аялол - 2011" спорт уйинлари.  
15.05 Тенис. АТР/ВТА турнири.  
16.15 Футбол. Испания чемпионати.  
18.00 Болалар мийдончаси:  
"Спортландия", Мулфитрим.  
18.30 ХАБАРИЛАР.  
18.50 Саломатлик хазинаси.  
18.55 "Баркамол аялол - 2011" спорт уйинлари.  
20.25 "Фитбол шариғ".  
21.30 ХАБАРИЛАР.  
21.50 Саломатлик хазинаси.  
21.55 "Баркамол аялол - 2011" спорт уйинлари.  
23.35 Эртани футбол.  
23.50 Селлиба дастури аялоғи.  
00.00 Ингервафутбол.  
1.45 Тунги жаҳлар.  
2.00 Хоккей. Жаҳон чемпионати.  
3.40 "Ринг қироллари".  
4.45 Тенис. АТР/ВТА турнири.

07.00 07.40 09.00 10.30 13.50 16.30  
18.10 19.30 20.35 02.15 Ўзбек наволари  
07.30 Prime time (узб)  
08.10 14.40 18.40 Сериал "Мудрабат асираси"  
09.40 21.10 Сериал "СКОЛЫЗШИЕ"  
11.30 "Невероятный халк" Х/ф.  
17.30 "Премьера".  
18.00 Prime time (узб)  
20.00 "Top-10"  
22.00 "ЮТТИНГ ХИЛТ" Х/ф.  
00.30 Миссер  
01.30 Сериал "Первобытие"  
03.00-05.00 "ДНЕВНОЙ ДЮОЭР" Х/ф.

### РОССИЯ 1

05.00, 09.00, 11.00 Новости  
05.10 "Контекст, или искусство быть счастливым"  
06.05 Х/ф: "Дама с полуночи"  
07.40 "Служу Отчизне"  
08.20 "Здоровье"  
09.15 "Непутевые заметки"  
09.30 "Пока все дома"  
10.20 Флешка  
11.15 Х/ф: "Одиночное плавание"  
12.45 "Всегда Ваш, товарищ Сухов"  
13.35 Х/ф: "Верные друзья"  
15.20 "Золотой граммофон"  
18.00 Х/ф: "Воплея для Веры"  
18.05 "Звезда"  
20.15 Х/ф: "Сестрица"  
21.55 Х/ф: "Триптих"  
23.40 Детектив "Убийство в клубе "Чипизиньяв".

### БИРИНЧИ

08.10 "Золотой орел", М/ф.  
09.55 Весенний концерт "Диско Дава".  
12.05 Х/ф "Своа праща". 2008г.  
13.00 Вести.  
13.15 Х/ф "Своа праща". Продолжение.  
16.20 Премьера. "Шутки в сторону".  
18.15 Х/ф "Варенка. И в горе, и в радости".  
19.00 Вести.  
19.20 Х/ф "Варенка. И в горе, и в радости".  
22.15 Х/ф "Девочка".

### НТВ

03.20 "Фортуна".  
05:05 "Президент и его жена".  
07:00 08.20 17.25 Т/с "Мелкозый уағ".  
08:00 17:00 Сегодня.  
21:20 "Суперстар" продолжает: "Волшебный бал Сергея Пенкина".  
23:15 "Беленко, но чистенько".  
23:45 Главная дорога.

### РОССИЯ К

06.00 "Европийское" на русском языке  
09.10 "Общественный концерт с Эдуардом Эфировым"  
09.35 Х/ф: "Строится мост"  
11.15 "Легенды мирового кино".  
11.50 Д/ф: "Дети ночи".  
12.15 Х/ф: "Приятели на горющие".  
13.40 Д/ф: "Другая Калифорния"  
14.35 Концерт "Берека"  
15.45 Х/ф: "Пишма"  
19.10 "Запомни этот миг..."  
20.05 Х/ф: "Свадьба Мориса"  
